

ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ

Эшқувватов Улуғбек Абдулло ўғли

Тошкент давлат техника университети

Термиз филиали “Транспорт иншоотлари ва автомобиль йўллари”

кафедраси ўқитувчиси

e-mail: eshkuvvatov.ulugbek@mail.ru

Аннотация: Мақолада талабаларнинг креатив қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришининг самарали йўллари, креативлик сифатларига эга бўлишлари учун ўқув ва тарбия жараёнида янги зояларни шакллантириш масаласи баён қилинган.

Калим сўзлар: талаба, креативлик сифатлари, билим, кўникма, малака, ижодий фаолият, шахс креативлиги, касбий ижодкорлик, самарадолик.

Резюме: В статье описываются эффективные способы формирования и развития творческих способностей студентов, формирования новых идей в учебно-воспитательном процессе для приобретения ими качеств креативности.

Ключевые слова: Студент, качества креативности, знания, умения, квалификация, творческая активность, креативность личности, профессиональное творчество, продуктивность.

Summary: The article describes the effective ways of formation and development of students creative abilities, the formation of new ideas in the educational and educational process for them to acquire the qualities of creativity.

Keywords: student, creative qualities, knowledge, skills, qualifications, creative activity, personality creativity, professional creativity, efficiency.

Бугунги кунда жаҳондаги глобаллашув ва таълимнинг интеграциялашуви жараёнида бўлажак мутахассисларнинг онгида миллий ва умуминсоний кадрларни қарор топтириш, касбий тайёргарлигини ривожлантириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу вазифани ҳал этишда таълимнинг роли бекиёсдир. Ҳар бир соҳада етук, билимли, мустақил фикрлай оладиган, фаол ва ташаббускор мутахассисларни тайёрлаш масаласи долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳар бир олий таълим муассасасини жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиши, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, таълим оловчилар,

илмий-педагог кадрларни замонавий касбий билимлари ва креативлик қобилиятларини ривожлантириш, ёшлар аудиторияси билан иш олиб боришда интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш масалалари Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларига мувофиқ олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштиришнинг асосий вазибалари сифатида белгиланди.

Бугунги кунда креативлик – шахснинг муҳим мезони, унинг яхлит тарзда ривожланишининг омилдир. Шунинг учун ҳозирги кунда креативликка – интеллектуал даражадаги фаол ижодга, албатта, билишга оид асосда, ҳозирги даврда алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз олий таълим тизимида талабаларнинг билим олишлари учун ўқитишнинг янги шакл ноананавий методлари орқали уларнинг ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш, улардаги касбий ижодкорликни шакллантириш орқали таълим – тарбия жараёни сифатини бошқариш механизмларини ишлаб чиқиб амалиётга жорий этиш методлари мавжуд. Ушбу методлар тизимда таълим – тарбия самарадорлигини ошириш ва уни янги сифат босқичига олиб чиқишга хизмат қиладиган чораларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Интеллектуал-ижодий фикрлашга алоҳида эътибор билан, модомики, гунги кунда янги – дадил, ўзига хос, ижодий, ташаббускор, конструктив, инновациявий-новаторлик фикрлаш талаб этилар экан, бу тўла ҳаққонийдир.

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Шунингдек, креативлик иқтидорнинг муҳим омил сифатида акс этади. Қолаверса, креативлик зехни ўткирликни белгилаб беради.

Креативлик (лот., инг. “create” – яратиш, “creative” яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти маъносини ифодалайди[1].

П.Торренс фикрича, “креативлик” тушунчаси негизида қуйидаги ёритилади[2].:

- муаммога ёки илмий фаразларни илгари суриш;
- фаразни текшириш ва ўзгартириш;
- қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш;
- муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанлик

Креативликни ривожлантириш таълим мазмунини ўзлаштиришда таълим олувчиларнинг билим савияси, ўзлаштириш даражаси, таълим

манбаи, дидактик вазифаларига қараб, муносиб равишда ўқитиш жараёнини ташкил этишни талаб қилади.

Бунда қуйидаги педагогик шарт-шароитларга амал қилиш лозимлиги назарда тутилади:

- таълим олувчиларда креатив фаолиятни эгаллаш майлларини қарор топтириш, билиш эҳтиёжларини шакллантириш ва таълим жараёнида мустақилликни намоён қилиш муҳитини таъминлаш;
- таълим олувчилар томонидан баён қилинган турли-туман фикрлар ва ғояларни бағрикенглик билан қабул қилиш ҳамда уларнинг ўқув жараёнидаги фаоллигини таъминлаш, уларнинг ижодий фаолликларини мунтазам рағбатлантириш;
- таълим олувчиларда индивидуал, кичик гуруҳлар ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг ижодий имкониятларини кенгайтириш, уларни муаммоларни ҳал қилишда тайёр, стандарт ечимлар билан бирга ностандарт ечимлар қабул қилишга ундаш;
- креатив фаолиятни ривожлантиришнинг асоси бўлган билимларни амалда қайта ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш имконини берадиган интерфаол машғулот шакллари ва методларини танлаш ва татбиқ этиш ва ҳоказо.

Тадқиқотчи Г.Ибрагимова интерфаол ўқитиш жараёнида таълим олувчиларда креативликнинг ривожлантириш босқичларини қуйидагича ифодалаб ўтган[4].:

1. Репродуктив-таваккалчилик босқичи. Бу босқич таълим олувчиларда креатив фаолият, креатив фаоллик ва ижодкорликка бўлган мойилликни қарор топтириш, таълимдаги инновацион технологияларнинг моҳиятини англаш ва янги ғояларнинг туғилиши, шаклланиши билан тавсифланади.

2. Ижодий-изланиш тадқиқотчилик босқичи. Таълим олувчилардаги тадқиқот-чилик, ижодий фаоллик, ностандарт тафаккур, билиш мустақиллиги, импровизация, янгилик яратиш кўникмаларининг шаклланиши билан белгиланади.

3. Креативлик, новаторлик босқичи. Яратилган янгиликни амалда қўллаш, баҳолаш, таҳлил қилиш, оммалаштириш ва уни кенг татбиқ этиш ҳамда истиқболга йўналтирилган стратегик режаларни тузиш билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади.

Бўлажак мутахассиснинг ўз соҳаси бўйича фаолиятини олиб боришда унда қуйидаги шахсий сифатлар бўлиши зарур: ижодкорлик, техник фикр юритиш, ўз кучига ишониш, ўз устида ишлаш, тажрибалар алмашиш, касбий компетенциянинг юзага чиқиши натижалари.

Реал ҳаётда креативлик шахсларнинг фаолиятида тез-тез кўзга ташлансада, бироқ, бу ҳолат уларнинг келгусида ижодий ютуқларни қўлга киритишларини кафолатламайди. Фақатгина улар томонидан у ёки бу ижодий кўникма, малакаларни ўзлаштиришлари зарур деган эҳтимолни ифодамайди.

Ушбу жараёнда, дастлабки босқичда ҳар бир талабанинг техник тафаккури ва техник маданиятининг ривожланиш даражасини аниқлаш керак. Бу ижодий қобилиятларни ривожлантириш вазифалари талабанинг имкониятлари даражасига мос келиши учун зарурдир. Ижодий вазифани муваффақиятли яқунлаш талабаларнинг ўз қобилиятлари ва қобилиятларига бўлган ишончини кучайтиради. Бундан ташқари, талабалар вазифани гуруҳ-гуруҳ шаклида бажариши уларни ижодий гуруҳларга бирлаштиришга имкон беради, унда ҳамма иштирок этади ва ҳар кимдан максимал ҳаракат талаб этилади. Ўзаро ҳамкорлик жараёнида талабалар бир-бирларига ўргатадилар, ҳамкорлик ва ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантирадилар. Ўқитувчининг ижодий вазифаларни амалга оширишдаги роли керакли маълумотларни қидиришга раҳбарлик қилиш, талабаларни вазифанинг ўзига хос хусусиятларини яхшироқ тушунишга имкон берадиган зарур фактлар, фаразлар ва назарияларни аниқлашга ундайди.

Талабаларда креативликни ривожлантиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

- улар томонидан қизиқиши доирасида саволлар берилишини таъминлаш ва бу одатни қўллаб-қувватлаш;
- талабаларнинг мустақиллигини рағбатлантириш ва уларда жавобгарликни кучайтириш;
- талабалар томонидан мустақил фаолиятни ташкил этилиши учун имконият яратиш;
- талабаларнинг қизиқишларига эътибор қаратиш

Бўлажак муҳандис талабаларга ўз олдига қўйилган муаммоли масалаларни ҳал қилишда мавжуд билимлари ва тажрибаларига мос келмайдиган далиллар дуч келади. Бу эса уларнинг юзага келган вазият юзасидан ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганишини талаб этади. Талабалар илмий-тадқиқот ишлари ва илмий ёки ижодий лойиҳаларни амалга ошириши уларда креативлик потенциалини ривожлантиради. Креативлик уларнинг тафаккури мулоқоти, ҳис-туйғулари, муайян фаолият турларида юзага келади.

Барча шахсларда бўлгани каби бўлғуси муҳандисларда ҳам креативлик сифатлари ўз-ўзидан ривожланмайди. Шундан келиб чиқиб, креативлик сифатларини муваффақиятли ривожлантириш бир неча усуллар мавжуд бўлиб қуйидаги расмда кўришимиз мумкин[3]:

Креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш. Бу жараёнда асосий



урғу креатив фикрлашга йўналтирилган бўлиб, талабалар феъллар ёрдамида креатив характердаги ҳаракатларнинг моҳиятини ифодалашга йўналтирилади. Бу ҳолат мисоллар билан тушунтирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Мисолларни келтириш орқали талабалар савол таркибидаги «таърифлаб беринг» тушунчаси ўз моҳиятига кўра «мавжуд билимларингизни бирма-бир айтиб ўтинг» дейиш билан тенг. Назорат саволлари талабаларни икрлашга ундовчивосита ҳисобланиб, уларнинг креатив фикрлашларини осонлаштиради.

Амалий креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш. Ўқитувчилар томонидан талабаларда креатив фикрлаш қобилиятларни шакллантириш ва ривожлантиришда кўрсатмали метод ва усуллардан фойдаланадилар. Мазкур жараёнда саволлардан фойдаланиш фақат қисқа муддатда ёрдам бериши мумкин.

Креатив фаолият жараёнларини ташкил этиш. Бу усулда эса, талабаларни муаммо юзасидан ечим топиш ва инновацион ғояларни тадбиқ этишда креатив, ижодий фикрлашга урғу берилади. Ушбу жараёнларда креатив метод ва усуллар фаол қўлланилмасида, креатив фикрлаш юз беради.

Креатив маҳсулот (ишланма)лардан фойдаланиш. Мазкур услда эса ўқитувчи талабаларга мутахассисликга доир бўлган мавзу бўйича Power Point дастури ёки мультимедиа воситалари ёрдамида тақдимотни яратиш топшириғини бериши мумкин. Тақдимотни тайёрлаш жараёнида талабаларда креатив фикрлаш кўникмалари фаол ривожланади.

Ҳар қандай кўникмани шакллантириш мумкин бўлганидай, креатив фикрлаш қобилияти ёки кўникмасини ҳам ривожлантириш мумкин. Бу талабаларга ҳам тааллуқли бўлиб, креативликустида ишлаш талабаларга ноодатий тарзда фикрлашга ёрдам беради. Бироқ талабаларни руҳлантириш ва креатив бўлишга ундаш ўқитувчининг қай даражада малакали эканлигига боғлиқ. Креативлик бўйича олиб орилган тадқиқотларва креативлик назариячиларининг ишлари талабаларда креативлик кўникмасини шакллантиришда қўлланма сифатида хизмат қилади. Бу аудиториядаги муҳит, талабаларда фикрлаш тарзининг шаклланиши, ўқитувчининг ёндашув ва стратегик элементларини ўз ичига олади [5]:

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, бўлажак муҳандис талабаларда креативликни ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири уларни мустақил билим олиш ва ижодий фикрлашга йўналтиришдан иборат. Педагоглар томонидан ишлаб чиқиладиган топшириқ ва вазифаларни яратишда креатив ёндашиб, талабаларнинг танланган мутахассисликлари юзасидан ўқув материалларининг ғоявийлик, илмийлик, визуаллик, тизимлилик, ўқув ахборотларининг изчил тарзда баён этилиши, ўқув ахборотлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликлигини инобатга олиш зарур. Бундан ташқари талабаларга бериладиган топшириқлар уларнинг ёш хусусиятига мослиги, амалий ва аниқ мақсадга йўналтирилганлиги ҳамда талабаларнинг эҳтиёж ва қизиқишларига мувофиқ тайёрланиши лозим.

Талабаларнинг креативлик қобилиятлари ўқитувчи томонидан доим равишда рағбатлантириш талабаларни жуфтликда, кичик жамоаларда фаол ишлашлари учун шароит яратилса, мустақил, ижодий, танқидий креатив фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

Адабиётлар:

1. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х., Хайдаров М., Ҳасанбоева ., Усманов Н. Педагогика фанидан изоҳли луғат - Т.: «Фан ва технологиялар», 2009. – Б.236
2. Дружинін, Н., Козленко, В., Кравчук, П., Ляхова, Л., Медник, С., Моляко, В., ... & Харрингтон, Д. СТРУКТУРНІ СКЛАДОВІ КРЕАТИВНОГО ПОТЕНЦІАЛУ НАУКОВО-ПЕДАГОГІЧНИХ ПРАЦІВНИКІВ.
3. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – Б.41.
4. Янгирова, В. М., Ибрагимова, Г. Ф., & Сандалова, Н. Н. (2021). Освоение компетенции «преподавание в младших классах» бакалаврами педагогики по стандартам worldskills. Педагогический журнал Башкортостана, (1 (91)), Б.153.
5. Муслимов Н.А. ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси / Монография. – Т.: «Фан ва техноло-гия» нашриёти, 2013. – Б.14.
6. Педагогика назарияси / ОТМ учун дарслик. Муал.: М.Х.Тохтаходжаева ва бошқалар. Проф. М.Х.Тохтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Iqtisod-moiya», 2010.
7. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланма. Иноятлов У.И., Муслимов Н.А., Усмонбоева М., Иноғомова Д. – Т.: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012.
8. Shomirzayev, M.Kh. The Concept Of Pedagogical Technology And Basic Principles. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*. (Affiliated to Kurukshetra University, Kurukshetra, India), Vol. 10, Issue 11, November 2020 Scientific Journal Impact Factor (Sjif 2020-7.13). -Part 1559.
9. Shomirzayev, M.Kh. (July, 2020). Technology of Educational Process in School Technology Education. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*. Impact Factor 5.366..
10. Shomirzayev, M.Kh. (30 July, 2020). Developing Educational Technologies in School Technology Education. *The American Journal of Social Science And Education Innovations*, Impact Factor 5.26. -P.II/VII 55.